

## **Вазирлар Маҳкамаси Қарори**

**Махсус электрон тизим орқали рухсат этиш хусусиятига эга айрим ҳужжатларни бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги ягона низомни тасдиқлаш ҳақида**

86-сон қарор, 22.02.2022й.

## Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарори билан қуйидагилар тасдиқланган



- ✓ Махсус электрон тизим орқали рухсат этиш хусусиятига эга айрим ҳужжатларни бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги ягона низом;
- ✓ Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш ёки беришни рад этиш тўғрисидаги қарорларни республика даражасида қабул қиладиган ваколатли органларнинг шикоятларни кўриб чиқиш бўйича апелляция кенгашининг намунавий таркиби;
- ✓ Рухсат бериш тартиб-таомилларини белгиловчи айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқлаштириш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш графиги тасдиқланган.




Ягона интерактив давлат хизматлари портали ҳамда “Лицензия” ахборот тизими орқали тушадиган сўровлар бўйича давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ахборот тизимлари орқали тақдим этиладиган маълумотларнинг тўғрилигига тегишли давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари шахсан жавобгар ҳисобланиши белгиланган.



- Қарор билан **27** та рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг паспортлари тасдиқланди.
- Эндиликда барча аризалар **электрон тарзда** “Литсензия” ахборот тизими ([license.gov.uz](http://license.gov.uz)) орқали дам олиш ва байрам кунларидан қатъи назар, ҳар куни **24 соат давомида қабул қилинади**
- Бу билан фуқароларнинг давлат органларига **“бориш” ва “кутиш”** каби ортиқча оворагарчиликларга чек қўйилди.

## Низомга мувофиқ:

- Рухсатномани олиш учун ариза ваколатли органга **“Лицензия” АТ** ёки **ЯИДХП** орқали тақдим этилади.
- Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш ёки беришни рад этиш тўғрисидаги қарор талабгорнинг шахсий кабинетига юборилади.





Эндиликда рухсат бериш ёки рухсат беришни рад этиш тўғрисидаги қарорларни республика даражасида қабул қилувчи ваколатли органларда мавжуд ходимлар орасидан 5 кишидан иборат шикоятларни кўриб чиқиш бўйича Апелляция кенгаши ташкил этилади.

Апелляция кенгаши низоларни тезкор кўриб чиқиб, қонуний ҳал қилиш имкониятини беради. Лекин фуқаролар хоҳласа апелляция кенгашига мурожаат қилмасдан тўғридан тўғри судга ҳам мурожаат қилишлари мумкин.

**Эътиборингиз учун раҳмат!**

